**“ТАСДИКЛАЙМАН”**
**“Электрон онлайн-**
**аукционларни**
**ташкил этиш” АЖ директори**

**_____________С. Муродов**

**“10” ___декабрь___2024 йил**

**“E-auksion” электрон савдо платформаси ҳамда “E-auksion shop” электрон савдо дўкони бўйича таргет рекламани ижтимоий тармоқлар (Instagram ва Facebook) орқали фойдаланувчиларига етказиш хизматини сотиб олишда танлаш ўтказиш бўйича харид қилиш**

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Тошкент – 2024

**Энг яхши таклифларни танлаш тўғрисида маълумот:**

| № | Талаблар рўйхати | Талаблар мазмуни |
|---|---|---|
| 1. | Ташкилотчи | “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖ |
| 2. | Буюртмачи | “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш” АЖ |
| 3. | Бажариладиган иш ёки кўрсатиладиган хизмат тури | “E-auksion” электрон савдо платформаси ҳамда “E-auksionshop” электрон савдо дўкони бўйича таргет рекламани ижтимоий тармоқлар (Instagram ва Facebook) орқали фойдаланувчиларига етказиш хизмати |
| 4. | Танлов савдоларини ўтказиш учун асос | Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 22-апрелдаги «Давлат харидлари тўғрисида»ги ЎРҚ–684-сон Қонуни талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.<br>Жамият директорининг 2023 йил 29 декабрдаги “2024 йилда “E-auksion” электрон савдо платформасини оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 113К-ОС буйруғи. |
| 5. | Хизматларни пудратчининг масъулият соҳасига ўтказишга қўйиладиган талаблар | Шунга ўхшаш ишларни амалга оширилгани ҳақида тасдиқловчи ҳужжат |
| 6. | Буюртмачи манзили | Тошкент шаҳар, А.Темур кўчаси, 6-уй |
| 7. | Хизматнинг батафсил таркиби | “E-auksion” электрон савдо платформаси ҳамда “E-auksionshop” электрон савдо дўкони бўйича таргет рекламани Instagram ва Facebook ижтимоий тармоқларидаги фойдаланувчиларга уларнинг ёши, қизиқишлари, ҳудудий мансублигига асосан саралаган ҳолда етказиш.<br>Ижрочи томонидан қилинган ишлар тўғрисида хар хафта маьлумот бериб бориш, аналитик тизимларга очиқ кириш шунингдек, таргет реклама жараёни боришини визуал назорат қилиш учун асбоблар панелига кириш имкониятини яратиш.<br>Instagram ва Facebookда реклама жойлаш бўйича статусга эга эканлиги, сертификатларни тақдим этиш.<br>Буюртмачига реклама фаолияти тўғрисида портфолио тақдим этиш.<br>Камида бир йил давомида реклама билан |

| | | |
|---|---|---|
| | | ишлаганлиги тўғрисида маълумот тақдим этиш. Мижозлардан интернет-маркетинг соҳасида тажрибаси тўғрисида хулоса хатини тақдим этиш. Реклама бюджети, агентлик комиссияси, қамров аудиторияси кўрсатилган жадвални тақдим этиш. |
| 8. | Қўшимча маълумотлар | Хизмат харид режа жадвалига киритилган ва махсус ахборот порталида жойлаштирилган. Танлаш иштирокчиси шартлар ва ҳужжатлар билан танишиб чиқиши, талаб этилган ҳужжатларни тақдим этиши зарур. Нарх таклифини очиқ ҳолда тақдим этган танлаш иштирокчиси танловдан четлаштирилади. |
| 9. | Танлов предмети бошланғич нарх қиймати ва танлов савдоларида қатнашиш шартлари | Бажариладиган иш ва кўрсатиладиган хизмат учун умумий 170 *(бир юз етмиш)* миллион сўм (ҚҚС билан) нарх белгиланди. Хизмат кўрсатиш давомийлиги 6 ойни ташкил этади. Реклама бюджети учун сарфланадиган сумма аниқ кўрсатилиши талаб этилади.<br>Иштирокчи танловда қатнашиш учун бошланғич қийматнинг 3 (уч) фоизи миқдорида закалат суммасини Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг махсус ҳисоб рақамига тўлаши талаб этилади. Тўлов миллий валютада, пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. |
| 10. | Тўловни амалга ошириш | Шартнома имзоланган санадан 10 (ўн) банк иши куни давомида шартноманинг умумий суммасини 15% миқдорида олдиндан тўлов амалга оширилади, колган 85% тўлов Хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим этилган ҳисобот ва ҳисобварақ-фактура хамда бажарилган ишлар юзасидан тузилган қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида амалга оширилади. |
| 11. | Бажаришнинг чегаравий муддатлари | Шартнома имзолангандан бошлаб 6 ой давомида |
| 12. | Бажарилган иш ва хизматларни қабул қилиб олиш | Хизмат кўрсатувчи томонидан тақдим этилган ҳисобот ва ҳисобварақ-фактура хамда бажарилган ишлар юзасидан тузилган қабул қилиш-топшириш далолатномаси икки томонлама имзолангандан кейин бажарилган ҳисобланади. |
| 13. | Ғолиб ташкилот | Танлаш ўтказиш натижасида аниқланади |
| 14. | Алоқа телефонлари | З. Жўраев, тел: (71) 202-21-11 |
| 15. | Баҳолаш мезони | Танлов натижалари энг кам нарх таклифи мезонлари бўйича баҳоланади |

**Бошқарма бошлиғи** **З.Жўраев**